БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.Б.Юсупова

Статья посвящена вопросам совершенствования бухгалтерского баланса и методики его анализа.

The article is devoted to the questions of improvement of accounting balance and methodics of its analysis.

Жамиятимиз ҳаётидаги янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотларни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришнинг мантиқий давоми сифатида 2008 йил иқтисодиётимизнинг салоҳияти, барқарорилиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш йўлида, энг муҳими, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ишларимизда янги ва юксак босқич сифатида”[1] намоён бўлди.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблик таъминланди. “Бундай иқтисодий ўсишга эришишда, авваламбор, кенг қўламли тизимли бозор ислоҳотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо қилиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани принципиал аҳамиятга эгадир”. [2]

Ҳақиқатан мукаммал иқтисодий сиёсатимизнинг бош мақсади – инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш эканлиги Фарғона водийси вилоятларининг иқтисодий ўсиши, тараққиёти орқали намоён бўлмоқда.

Андижонда машинасозлик саноатининг фахри бўлмиш “УзДЭУ авто”(ҳозирда “GMUz”) ҳиссадорлик жамияти, Наманганда “Coca-Cola” масъулияти чекланган жамияти, “Nestle” корхоналарининг фаолият юритиши нафақат бозор муносабатларига ўтиш туфайли юзага келган муаммоларни ҳал қилиш, балки умуман иқтисодий тараққиёт нуқтаи назаридан яна бир қадамдир. Уларнинг ташкил қилиниши қуйидаги ижобий силжишларга сабаб бўлади:

- аҳолининг иш билан бандлилиги, аниқроғи, ишсизлик муаммосининг олдини олиш;
- саноат тармоқларининг жаҳон тажрибасидаги илғор технологияларининг ўрганилиши;
- юқори даражадаги саноатни бошқариш маданиятининг кириб келиши;
- аҳоли даромадининг кескин ортиши орқали фаровонликни таъминлаш;
- республика аҳолисини юқори сифатли, дунё тан олган маҳсулотлар билан таъминлаш имконини яратиш.

Бундай муҳим вазифаларни эса фақатгина корхонани ташкил қилиш, хорижий сармояни жалб этиш билангина бажариб бўлмайди. Корхонанинг ташкил қилиниши, хорижий сармоя билан таъминланиши моддий ва молиявий маблағларни жамлаб, хўжалик юритувчи қўлига топшириш демакдир. Бунда мавжуд маблағлардан самарали фойдаланишгина мақсадга мувофиқ бўлади. Хўжалик юритишнинг самарадорлиги эса, бир томондан, молиявий натижалар, иккинчи томондан, корхонанинг молиявий барқарорлиги билан баҳоланади. Бироқ фаолиятни молиявий натижалар асосида баҳолаш юқорида баён этилган мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан етарли эмас. Бунинг сабаби молиявий натижаларнинг Республикамиз бухгалтерия ҳисоби қонунчилигига, аниқроғи,

[1] “Маърифат”.- 2008.- 9 февраль

[2] “Маърифат”.- 2008.- 9 февраль

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари”(№1,2,3.)га бинонан ҳисоблаш тамойилига кўра аниқланишидадир. Амалдаги ҳисоблаш тамойили молиявий натижаларни умумий ҳолда, сотилган маҳсулот бўйича даромад ва фойдани ҳисоблаш асосидагина акс эттиришни тақозо этади. Бу эса шуни англатадики, ушбу маълумот пул сифатида ундирилган даромадни эмас, балки харидорга юклаб жўнатилган барча маҳсулот, яъни ундирилган ва ундирилмаган барча даромадни акс эттиради. Шундай экан, ундирилмаган даромадлар туфайли хўжалик субъекти фаолиятига молиявий натижалар асосида баҳо бериш етарли эмас.

Бизнингча, молиявий кўрсаткичлардаги таҳлилий камчиликларни фақатгина баланс таҳлили ёрдамида бартараф этиш мумкин. Баланс таҳлили услубиёти назарий ҳамда амалий жиҳатдан етарлича шаклланган, лекин ҳар қандай услубиёт замон талабларига мослаштириб борилиши керак. Бу тинимсиз ривожланиш, техник ва технологик тараққиёт, рақобат, янгидан-янги хўжалик ситуациялари билан белгиланади.

Бухгалтерия баланси таҳлили услубиётини ўрганиш, ушбу соҳада шаклланган тажриба, амалиёт имкониятлари, муаммолари ва уларнинг ечимлари юзасидан изланишларимиз бизга муайян хулосаларни билдириш имконини этади.

Умумий назарий хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, хўжалик субъектининг иқтисодий ҳаётида моддий ва молиявий ресурслардан ташқари, у кириши мумкин бўлган бозор сектори, умумий иқтисодий стабиллик, иқтисодий ва ноиқтисодий ахборот маълумотининг мавжудлиги муҳим экан. Маълумки, корхона хўжалик ҳаётини ягона бир организм сингари тадқиқ қилиш тизими ҳозирча яратилмаган. Ҳам ташқи, ҳам ички фойдаланувчиларга бирдек фойдали маълумот таҳлили имконини берувчи бухгалтерия ҳисоботи ҳозирча мавжуд эмас. Бундай шароитда корхона хўжалик ҳаётини бухгалтерия нуқтаи назаридан ёритиш ва ташқи иқтисодий таҳлилнинг шундай бир тизимини яратиш керакки, у нафақат ташқаридан баҳолаш, балки самарали бошқариш учун ҳам етарли бўлсин.

Корхона хаётий фаолиятининг турли аспектларини қамраб олган энг кенг ҳисобот, албатта, бухгалтерия балансидир. Баланс таҳлилини кам миқдордаги усуллар билан ўтказилганда ҳам, у корхона молиявий ҳолати, барқарорлиги, хўжалик юритишининг самарадорлиги, корхона равнақи учун хавфли бўлган тенденцияларни ёки унинг ривожланиш истиқболини аниқлаб бериш имконини беради.

Изланишларимиз бухгалтерия балансининг юқоридаги афзалликлари билан бирга, унинг фойдалилиги чегаралари, ушбу ҳисобот шаклига тегишли чекловларни ҳам аниқлашга ёрдам берди.

1-шаклнинг бир нечта табиий чекловлари мавжудки, улар баланс моддаларини баҳолаш қоидалари, тузилмаси ҳамда бухгалтерия ҳисоботининг ушбу шаклига тўғридан-тўғри таъсир кўрсата олмайдиган сабаблар (рақобат, товар-пул муомалалари) билан боғлиқдир. Айнан шу чекловлар бухгалтерия балансининг фойдаланувчилар учун фойдалилик ва аҳамиятлилик даражаси чегараларини белгилаб беради.

Маълум бир фойдали хулосаларни олиш учун бухгалтерия баланси тадқиқи билан шуғулланаётган шахс бухгалтерия ахборотининг энг мукаммал ва идеал ташувчиси ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. 1-шаклнинг ўзига хос камчиликларини билмаслик фойдаланувчига икки жиҳатдан зиён етказиши мумкин: биринчидан, маълумотлар билан танишиш нотўғри хулосалар чиқаришга сабаб бўлиб қолиши, иккинчидан, бу шаклга жуда кўп эътибор қаратиш натижасида истиқбол ҳақида нотўғри тахминларга келиб қолиш мумкин.

Умуман олганда, баланснинг камчиликларини оддийгина тавсифлаб бериш мумкин:

1) баланс маълумотларнинг маълум бир санага йиғма ҳолатда акс эттирилишидир. У ёки бу моддадаги сумма унинг йил давомида шундай бўлиши керак эканлигидан

далолат бермайди. Шу сабабдан баланс маълумотлари тренд ва динамик таҳлил учун қулай бўлса-да, жорий ва умумий изланишлар учун ноқулайдир;

2) баланс маълумотлари умумий айланиш (оборот) ҳақида маълумотларни жалб этишни талаб қилади. Нотўғри хулоса чиқармаслик учун, масалан, сотиш ҳажми ҳамда товарлар заҳиралари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил учун асос бўлиб хизмат қилиши керак;

3) бухгалтерия баланси молиявий-хўжалик фаолиятининг у тузилаётган санага якунларини акс эттиради. Бироқ омилли таҳлил учун баҳолар, харажатлар ўзгаришлари, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларининг ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам муҳимдир. Афсуски, бу ҳамда инфляция, талаб ва таклиф каби ташқи омиллар нафақат 1- шакл, балки бошқа барча бухгалтерия ҳисоботи шаклларида ҳам баён этилмайди;

4) баланс маълумотлари қатор нисбий кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради, лекин улардан маълум бир таққослаш базасисиз фойдаланиб бўлмайди. Бундай ҳолларда мамлакатлар, тармоқлар, ўхшаш корхоналар учун белгиланган базалардан фойдаланиб, маълумотлар интерпретация қилинади. Табиийки, ушбу базаларнинг ўзи кўпинча нисбий бўлади. Масалан, таҳлилий коэффицентларга халқаро миқёсда қўйилган талаб бизнинг мамлакатимиз корхоналари учун ўта юқори ҳисобланади. Шу сабаб таққослаш базаси сифатида ўтган ҳисобот йили маълумотларининг олиниши тўғрирок, деб ҳисоблаймиз.

5) корхона молиявий ҳолати, унинг ишчанлик фаоллиги ва ривожланиши истиқболлари шундай омиллар таъсирида бўладики, уларни миқдорий жиҳатдан ўлчаб бўлмайди. Бундай омиллар жумласига сиёсий ва иқтисодий силкинишлар, корхона ходимлари малакаси, уларнинг дидлари ва интилишлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Ана шулар туфайли ҳатто энг чуқур баланс таҳлили хам келажак воқеа-ҳодисаларини аниқ айтиб бериш ёки уларнинг олдини олиш имконини бермайди. Ушбу омиллар таъсирини минималлаштириш мақсадида баланс таҳлили усулларидан ташқари иқтисодиёт назарияси соҳасидаги билимлар, интуиция каби норасмий ёндашувлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Замонавий баланс ноқулайликларидан яна бири шуки, аксарият моддалар харид қилиш нархларида акс эттирилади. Бу баланс якуни ва унинг асосида ҳисобланган аналитик кўрсаткичларнинг реаллигини пасайтиради.

Баланс, таҳлилий имкониятларининг юқорида қайд этилган барча чекловлари ва ноқулайликларига қарамай:

- корхона мулки ва мажбуриятлари ҳолатини моддалар кесимида тавсифлайдиган;
- маълумотлар маълум бир санага ва қиймат кўринишида ифода этилган ягона ва аҳамиятли ҳисобот шаклидир.

Баланс таҳлили яна бошқа масалаларни ҳал қилищда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир:

- молиявий ҳолатни белгиловчи баъзи коэффициентларнинг турли иқтисодчилар томонидан турлича талқин қилиниши (масалан, молиявий барқарорлик ва тўловга қобиллик кўрсаткичлари);
- баланс ёрдамида таҳлил ўтказишнинг ягона келишилган услубиётининг ишлаб чиқилмаганлиги ва шу каби бошқа муаммолар.

Баланс ҳисобот шаклининг моҳиятини ёритувчи ушбу умумий резюмедан шундай хулоса қилиш мумкинки, балансдан керакли мақсадда тўлақонли фойдаланиш учун бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мутахассисларга қўйиладиган асосий талаблардан бири — балансни тўғри тузиш ва баҳолаш, меъёрий ҳужжатлар ва ҳисоботнинг техник жараёнини билишдир.

Баланснинг бевосита таҳлили юзасидан ўтказилган изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо бериш учун, биринчи навбатда, баланс маълумотлари таҳлил қилиниши лозим, таҳлил қилиш учун маълумотларнинг тўғри шакллантирилган бўлиши натижани янада аниқлаштиради.

2. Баланс таҳлилини ўтказаётганда дастлабки, яъни умумий кўрсаткичларга баҳо бериш молиявий аҳволни тўлиқ ва тўғри ёритишга имкон бера олмас экан.

3. Баланс таҳлили нафақат ташқи фойдаланувчилар, балки корхона бошқарув ходимлари, шунингдек, моддий манфаатдор бўлган барча фойдаланувчилар учун ҳам зарурдир.

Юқоридагиларни амалиётда ҳисобга олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ва шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради.

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти,
2009 йил 25 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: профессор Қ.Муфтайдинов)